



Journal of Natural Sciences

№1
(2020)

<http://natscience.jspi.uz>



ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Бош муҳаррир – Худанов Улугбек Ойбутаевич, доц. Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети декани.

Бош муҳаррир ёрдамчиси-Мурадова Дилафруз Кадировна, Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доц.в.б.

ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

1. **Худанов У** – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.
2. **Кодиров Т**- к.ф.д, профессор
3. **Абдурахмонов Э** – к.ф.д., профессор
4. **Султонов М-к.ф.д**, доц
5. **Рахмонкулов У-б.ф.д.**, проф.
6. **Хакимов К** –г.ф.н., доц.
7. **Азимова Д**- б.ф.н.
8. **Мавлонов Х**- б.ф.д., доц
9. **Юнусова Зебо** – к.ф.н., доц.
10. **Гудалов М**- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)
11. **Мухаммедов О**- г.ф.н., профессор в.б.
12. **Хамраева Н**- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)
13. **Рашидова К**- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD)
14. **Мурадова Д**- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)

**МАЪНАВИЙ - АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА ХУЖАЙРА ТУЗИЛИШИ
ИНТЕГРАЦИЯСИ АСОСИДА БЎЛАЖАК БИОЛОГЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ**

¹Д.М.Махаммадиев., ¹С.Х.Мавлонова., ¹Э.А.Аберкулов.,
²Ю.Х.Тожиева

¹ЖДПИ, “Биология ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси ўқиувчилари.

²Ургенч тиббиёт коллежи катта ўқитувчиси.

davron_0308@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Фан – техника тараққий этган ҳозирги зомон талаби ҳар томонлама баркамол, етук авлодни тарбиялашдан иборат бўлиб бунда, таълим самарадорлигига еришиш учун биология дарсларида қиёсий аналогия усулидан фойдаланиб дарс ўтиш яхши самара беради.

Хужайрадаги ҳаётини жараёнларни ҳаётини жараёнларни давлат ва унинг муассасаларидаги фаолиятга таққосланиб машғул олиб бориш талабаларда фанга қизиқишини орттириб, фанлар аро боғланишни мустаҳкамлайди.

АННОТАЦИЯ

Основное требование современной эхи с высоразвитым научно – техническим прогрессом – это воспитание всесторонне развитого поколения. Достижению эффективности образования служат уроки биологии с использованием метода сопоставительной аналогии.

Ведение занятий, сопоставляя жизненные процессы в клеток и механизм деятельности государства и его учреждений, повышает интерес студентов к занятиям и упреляет меж междк предметные связи.

RESUME

Demanding of nowadays developmental science and technology is educating of well – developed perfekt generation gives frutfull results of teaching of methods of comparative analogy in the biology lessons. Bio processes of the cells give occupations of comparision activity of government and its establishments of resing students interests into subjets. And rainforcing nitratio of subjets, and rainforcing interaction of subjets.

Калит сўзлар. Интеграция, телекоммуникация, аналог, тузилма, жамият, организм, хужайра, биомолекула, оксил, нуклеин кислота, хромосома, цитоплазма, гиалоплазма, органоид, витамин, фермент, гормон, менталитет, пластида, митохондрия, эндоплазматик тўр, лизосома, рибосома.

Ключевые слова: Интеграция, телекоммуникация, аналог, состав, общество, организм, клетка, биомолекула, белок, нуклеиновых кислот, хромосома, цитоплазма, гиалоплазма, органоид, витамин, фермент, гормон, менталитет, пластида, митохондрия, эндоплазматическая сеть, лизосома, рибосома.

Keys world: Integration, telecommunications, analog, structure, society, organism, cell, biomolecule, protein, nucleic acid, chromosome, cytoplasm, hyoloplasm, organoid, vitamin, enzyme, hormone, mentality, plastida, mitoxondria, endoplasmic-retikulum, lysosome, ribosome.

Ҳозирги кунда инсоният техника, технология, телекоммуникацияни жуда кучли ва тез ривожланган даврида бўлиб, биз ҳар куни ҳар хил таъсирлар, ахборотлар қуршовида қоламиз. Уларнинг ҳар бирини ҳам англайвермаймиз, уларга жавоб рефлекс, мосланишлар ҳосил қила олмаймиз. Тараққиётнинг шу зайлда ўсиб бориши, давр талабининг ошишига, бу эса ўз навбатида таълим - тарбия соҳасини яхшилашни, рақобатбардош мутахас-

сислар етиштириш ва тарбиялашни самарали методларини ишлаб чиқиш, уни педагогик жараёнларда қўллай билишни талаб этмоқда.

Таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифалар қаторига нафақат бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги, балки уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришга ҳам эътиборни қаратиш лозим.

Шу мақсадда жумладан, қуйидаги ташкилий, ўқув - услубий, маънавий - маърифий ишларни амалга ошириш талаб этилади.

-талабаларда чуқур билим, малака, кўникма ҳосил қилувчи янги педагогик технологияларни ва уларнинг усулларини ишлаб чиқиш, унга маънавий-ахлоқий тарбия асосларини сингдириш;

-касбий тайёргарлик асосида талабанинг ижодий активлигини ошириш, ностандарт вазиятларда мустақил равишда оптимал қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантиришда унинг маънавий ва ахлоқий аспектларини назарда тутиш;

-таълим - тарбия жараёнини интеграциялаш асосида маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантириш, ҳаётий жараёнларнинг моделларини замонавий технология ва методларда тушунтириш, уни талқин этишни ўргатиш.

Бўлажак биолог мутахассисларда маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантиришда моделлаштириш технологияси, киёсий аналогия методи асосида ҳужайра тузилиши ва ундаги жараёнларни педагогик жараёнга интеграциялаб олиб бориш анча самаралидир.

Моделлаштиришнинг ўзи ижодий жараён бўлиб, унда жараёнларнинг турли-туман аналогларини юзага келтириш муҳим аҳамият касб этади.

Талаба табиат ва жамият ўртасидаги фарқларни, ўхшашликларни таққослаб, киёслаб ўрганса, уларнинг тузилиши, ундаги жараёнларнинг умумий қонуниятларга бўйсунганини англайди. Уларни акс эттирувчи

моделларни яратади, аналогларни қиёсан тушунади, тузилма ва жараёнлар тўғрисида тасаввур уйғонади.

Организм ва жамият тузилиши, унинг жараёнлари аналогиясини муайян мисоллар орқали кўриб чиқамиз:

- тирикликнинг асосини организмнинг таркибий қисми бўлган хужайра, ундаги биомолекулалар, асосан оксил ва нуклеин кислоталар ташкил этади. Жамиятда эса давлатнинг таркибий қисми бўлган одамлар, оилалар, маҳаллалар, жамоалар ташкил этади;

- тирикликнинг ҳаракатлантирувчи кучи - органик моддалардан нуклеин кислоталар (ДНК, РНК), оксиллар (витамин, фермент, гормон) бўлса, жамиятники шахс яъни инсондир;

- жамият ва давлатни бошқарувчи куч - қонунлар, хужайраники нуклеин кислоталардир. Хужайра хромосомаларидаги белги хусусиятлар йиғиндиси давлатнинг бош қомуси бўлган - давлат конституциясининг аналогидир;

- ядро - хужайрада, ҳокимият ва ҳукумат-давлатда бошқарув аппарати ҳисобланади;

- ҳимоя, тўсиқ, рецепторлик, танлаб ўтказиш хусусиятини хужайрада хужайра қобиғи бажарса, давлатда бу вазифани давлат чегараси ва давлат божхонаси амалга оширади;

- давлатнинг ички муҳитини унинг барча табиий-ижтимоий бойликлари, хужайрада цитоплазмани таркибий қисми бўлган суюқ гиалоплазма ва органоидлар ташкил этади;

- давлат ва тирик организмда функционал тузилма орган (ташкilot, корхона, муассаса) деб аталса, хужайрада органоид деб юритилади ва улар куйидагича аналогланади:

- дастлабки бирламчи маҳсулот ҳосил қилувчи – пластида - кишлок хўжалиги соҳаси;

- ҳаракатлантирувчи ва энергия берувчи - митохондрия-молия, банк ташкилоти;

- боғловчи ва ташувчи - эндоплазматик тўр-транспорт соҳаси;

- ички муҳитнинг барқарорлигини таъминловчи - лизосома-ички ишлар органи;

- шакллантирувчи, функционал ҳолатга келтирувчи - голжи аппарати-таълим-тарбия муассасалари;

тирикликни ва жамиятни асосини ҳосил қилувчилар - рибосома-оила.

Рибосома оксилни, оила инсонни вужудга келтиради.

Оқсилни шаклланиши, барқарорлиги уни қандай вазифа бажариши унинг таркибига кирувчи компонентлар, уларнинг бир-бири билан ҳосил қилган биокимёвий боғланишлар табиати билан боғлиқ.

Оқсил рибосомада ҳосил бўлсада унинг функционал ҳолатга келишида Голжи аппарати ва бошқа органоидларнинг аҳамияти катта. Шу сабабли инсон ҳам оилада вужудга келсада, уни шахс, касб-ҳунар, мутахассислик, ихтисослик эгаси сифатида шаклланишида таълим-тарбия муассасаси ва бошқа корхона, ташкилотларнинг ҳам ўрни муҳим.

Оқсилни шаклланиши, уни функционал ҳолатга келишида биокимёвий боғланишлар табиати асосий аҳамиятга эга бўлса, инсонда бу вазифани таълим-тарбия амалга оширади.

Оқсил ҳосил қилиш, уни шакллантириш ва унинг қандай вазифа бажариши рибосомада кечувчи пептид боғли бирламчи боғга боғлиқ. Пептид боғсиз оқсил ҳосил қилиб бўлмайди, пептид боғдаги камчиликлар оқсилни тўлиқ структурали ҳолатга келтира олмайди. Инсонда бирламчи пептид боғ вазифасини аналог сифатида ахлоқ-одоб тарбияси таъминлайди. Усиз инсон инсон бўлолмайди ёки ахлоқидаги камчилик уни етук комил инсон қила олмайди.

Рибосомада, гольжи аппаратида кечувчи иккиламчи, учламчи боғлар оқсилни шакллантиради, лекин тўлиқ функционал ҳолатга келтира олмайди. Тўртламчи боғ эса компонентлар ўртасидаги боғланишлар бўлиб, бунда оқсил тўлиқ функционал ҳолатга келади.

Оқсилни ҳосил бўлиши шаклланишини инсонга, боғланишлар табиатини таълим-тарбия жараёнига қиёсласак, бирламчи боғ - оиладаги таълим - тарбия, иккиламчи ва учламчи боғ - мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги таълим-тарбия, тўртламчи боғ - олий ўқув юртлиридаги таълим-тарбиядир.

Гольжи аппаратида оқсилни гормон, витамин, ферментга айланиши, таълим-тарбия муассасаларида инсонни касб-хунар, мутахассислик, ихтисослик эгаси бўлиши, оқсил ва инсоннинг етук босқичга ўтиши, функционал ҳолатга келишини таъминлаб, уларни мураккаб механизмли тузилма, жараёнлар иштирокчисига айлантиради.

Оқсил ва инсоннинг функционал ҳолатидаги аналогларини кўриб чиқамиз:

- жараёнларни ташкил этувчи объект сифатида витамин - иш юритувчи менеджер;

- жараёнларга таъсир этувчи ва уни ўзгартирувчи объект сифатида фермент - инженер, конструктор;

- жараёнларни бошқарувчи объект сифатида – гормон - иш бошқарувчи....

Ҳужайра тузилиши, ундаги жараёнларни таълим-тарбия жараёнига интеграциялаш инсонда эътиқод, ахлоқ-одоб, менталитет, дунёқараш, маънавият каби хусусиятларни юксалишига олиб келади.

Таълим-тарбия мафқурани, ахлоқ ва маърифат эса маънавиятни шакллантиради, ривожлантиради.

Бунда: Тарбия асоси - эътиқод, ахлоқ-одоб.

Таълим асоси - маърифат ва маданият.

Мафкура асосини - маънавият ва сиёсат ташкил этади.

Инсоннинг ички муҳитини унинг маънавияти белгилаб, унинг барқарорлиги таълим-тарбия, мафкурага боғлиқ. Ички муҳити барқарор бўлган ҳар қандай тузилма ташқи ва ички таъсирларга бардошли бўлади.

Инсон маънавиятининг таянчи унинг эътиқоди ва ахлоқ-одобидир. Бу хусусиятнинг ўзгарувчанлиги тарбиясизлик ёки маънавиятсизликка олиб келади. Маърифат ва маданият инсон маънавиятини ҳаракатлантирувчи, кувватлантирувчи манбадир.

Инсон маънавияти унинг ички гўзаллиги бўлиб, эътиқодга таянган ҳолда маънавий ахлоқ асосида шаклланади, илму-маърифат асосида сайқалланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Т.Гофуров, Толипова Ж. «Умумий биологияни ўқитишнинг норасмий усул ва шакллари», «Тошкент» 1990й.
2. Ж. Толипова, А.Т.Гофуров. «Биологиядан янги педагогик технологиялар». 2002й.
3. К. А. Зуфаров. «Гистология», Т., 1987.
4. С.Тўйчиев., Н.Тошманов ., Гистология, Эмбриология, Цитология, «Янги аср авлоди». Т. 2005.
5. Э. Қодиров. «Гистология», Т., «Меҳнат».1994
7. У.А.Набиев. Цитология. Маъруза матнлари., Т., 2004.